

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВ ҚАҲРАМОН КАРИМДЖАНОВИЧ

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШИДА
ХИВА ХОНЛИГИДА ВАҚФ ИНСТИТУТИ
(ТАРИХИЙ-МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи,
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

УЎК: 930.2:94(575.171)(0.43.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Якубов Қахрамон Каримджанович

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Хива хонлигида

вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили).....3

Yakubov Qahramon Karimdjjanovich

Waqf Institution in the Khanate of Khiva in the Second

Half of 19th – Early 20th Centuries (Historical–Source–Study Analysis).....25

Якубов Қахрамон Каримджанович

Институт вақфа в Хивинском ханстве во второй

половине XIX–начале XX вв. (историко-источниковедческий анализ).....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВ ҚАҲРАМОН КАРИМДЖАНОВИЧ

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШИДА
ХИВА ХОНЛИГИДА ВАҚФ ИНСТИТУТИ
(ТАРИХИЙ-МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи,
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2017.1. (PhD) / Таг23 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз ва рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупова Дилором Юнусовна
тарих фанлари доктори, академик

Зиёдов Шовосил Юнусович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.06.01.2018. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, Тарих институти. 2-қават, Мажлислар зали. Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91, e-mail: info@uzhistory.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.)

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор, академик.

М. Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий
котиби, т.ф.н.

С. С. Агзамходжаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда кечаётган глобаллашув жараёнида тарихий ва миллий анъаналарни тиклаш, сақлаш ҳамда тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ислом тамаддунининг омилларидан бири сифатида баҳоланган, ўзида саховат ва хайр-эҳсон тушунчалари моҳиятини акс эттирган вақф институти халқимизга хос хусусият ва фазилат ифодаси сифатида асрлар давомида минтақа ҳаётида муҳим рол ўйнаб келди.

Вақф нафақат хайр-эҳсон маҳсули, балки жамиятдаги иқтисодий муносабатлар, хусусан, мулкчилик тизими, ижтимоий муассасалар фаолияти, уларнинг хўжалик бошқарувиغا катта таъсир этган. Таълим тизими, диний ва жамоат муассасалари, йўл, кўприк, қудуқлар қурилиши, уларнинг мунтазам фаолияти ҳамда бошқа хайрия тадбирлари вақф мулклари келтирган даромад ҳисобидан мунтазам таъминланган. Бу ўзига хос ижтимоий ҳимоя институти, мусулмон жамиятининг эҳтиёжларига хизмат қилиб келган. Зеро, европалик олим Колин Имбер таъбири билан айтганда: «мусулмон жамияти хайрий вақфсиз на фаолият кўрсатган ва на омон қолган бўлар эди»¹.

Вақф институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни мусулмон олами тарихининг энг муҳим масалаларидан бири сифатида ҳозирда дунёнинг қатор тадқиқот марказларида, хусусан, АҚШнинг Корнелл университетида вақфнинг назарий-ҳуқуқий асослари, Исроилнинг Яхудий университетида муаммонинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти, Малайзиянинг Ислом молияси бўйича таълим халқаро марказида пул вақфининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Канаданинг Торонто университетида Темурийлар даврида вақф тарихи бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда².

Ўзбекистон ҳудудида ҳам асрлар мобайнида барча ижтимоий-маданий муассасалар – масжид, мадраса, мактаб, қорихона, мазор, муқаддас қадамжолар фаолиятини вақф мулклари моддий ва иқтисодий жиҳатдан таъминлаб келган. Вақф институти масаласининг Хива хонлиги мисолида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ҳозиргача чуқур ва комплекс тарзда ўрганилмаганлиги мазкур муаммони илмий асосда ўрганиш заруриятини туғдиради.

Ўзбекистон ва айниқса, жаҳон тарихшунослигида ушбу муаммога қизиқиш ва эътибор жуда катта бўлиб, унинг кўплаб мусулмон мамлакатларидаги амалиёти ҳамон давом этгани ҳолда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт жадал ривожланаётган бугунги кунда вақф институти тарихини ўрганиш нафақат илмий, балки амалий аҳамият касб этади.

¹ Zubair A.M. The Classical Islamic Law of Waqf: A Concise Introduction // Arab Law Quarterly. Vol. 26 (2012). – P. 121-122.

² <http://neareasternstudies.cornell.edu/david-stephan-powers>, <http://new.huji.ac.il/en/search/staffsearch/miriam%20hoexter>, <http://www.muslimheritage.com/authors/murat-cizakca>, <http://nmc.utoronto.ca/faculty/m-e-subtelny/>.

Ўзбекистон тарихини бирламчи манбалар асосида холис ва ҳаққоний ўрганиш тарих фани олдида турган долзарб вазифа сифатида ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2995-сонли ва 2017 йилнинг 23 июнидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3080-сонли қарорлари ҳамда 2018 йилнинг 16 апрелидаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5416-сонли фармонида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳолда Хива хонлиги мисолида вақф институти тарихини араб, форс-тожик ва чигатой (туркий) тилларидаги тарихий ҳужжатлар ҳамда кўлёзма асарлар асосида тадқиқ этиш, уларни илмий истеъмолга киритиш орқали хайр-эҳсон, мурувват, ижтимоий-маданий муассасалар таъминоти бўйича тарихий анъана ва тажрибаларни ўрганиш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш мазкур тадқиқотнинг долзарблигини асослаб беради.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг ИТД-1 «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда жаҳон тарихшунослигида Ислом олами вақф мулкчилиги масаласида яратилган тадқиқотларнинг кўлами жуда катта бўлиб, улар худудий жиҳатдан мусулмон давлатлари ва жамиятларини қамраб олади. Табиийки, мазкур тадқиқотлар ўзининг услуби ва мавзу йўналиши жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилади. Уларнинг таҳлили диссертациянинг биринчи бобидан ўрин олган бўлиб, бу борадаги тадқиқотларнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Хива хонлигининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари вақф мулкчилиги тарихшунослигини мустамлака, совет ва мустақиллик даврида яратилган ҳамда хорижий тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Россия империяси ҳукмронлиги даврига оид адабиётлар асосан Хива хонлигини ўрганиш ва хонлик ҳақида маълумотлар тўплаш учун юборилган рус шарқшунос олимлари, ҳарбий зобитлари (А. Кун, О. Шкапский, В. Гиршфелд ва В. Лобачевский) томонидан эълон қилинган бўлиб, уларда вақф мулкларига оид статистика маълумотлари акс этган³.

³ Кун А.Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г. // Известия ИРГО. – Спб, 1874. Т. X. – № 1. – С. 47–58. Шкапский О. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарьи. – Ташкент, 1900. – 284 с.; Военно-статистическое описание Хивинского оазиса, составленное Генерального штаба капитаном Гиршфельдом, переработанное начальником Аму-Дарьинского отдела генерал-майором Галкиным.

Совет даврида Хива хонлиги тарихига эътибор қаратган П. Иванов, Ф. Рубинштейн, М. Йўлдошев, А. Кошчанов, Ю. Брегель, А. Шайхова каби муаллифлар тадқиқотларида вақф масаласи асосан хонликнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи, хусусан, ерга эғалик қилиш ва аграр муносабатлар, ижара ва унинг ҳудуддаги амалиёти доирасида тадқиқ этилган⁴.

Мустақиллик йилларида О. Жалилов, У. Джабарова, Э. Каримов, У. Абдурасулов, А. Халиёров тадқиқотларида Хива хонлигига оид айрим вақфномалар, тарихий ҳужжатлар илмий истеъмолга киритилди ҳамда вақф мулкчилигининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрнини ёритишга эътибор қаратилди⁵. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти, айниқса турли хил ҳужжатларни каталоглаштириш ва нашр этишда намоён бўлди. Эълон қилинган каталоглардан турли мазмундаги қозилик ҳужжатлари қаторида Хива вақфномалари тавсифи ҳам ўрин олди⁶.

Хива хонлиги вақф мулкчилиги тарихшунослиги тараққиётига Ф. Шварц, М. Сузеппе ва П. Сартори каби хорижий мутахассислар ўз тадқиқотлари билан ҳисса қўшдилар⁷. Ушбу тадқиқотлар Хива хонлигидаги пул вақфининг амалиёти, вақфнинг сиёсий мақсадлар ва давлат маъмурий бошқарувини ташкил этишдаги роли каби масалалар таҳлиliga бағишланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган ФА-Ф8-043: «XIX асрнинг сўнгги чораги – XX аср

– Ташкент, 1902–1903, ч. 1, 1902. – 248 с., ч. 2, 1903. – 214 с.; Лобачевский В. Хивинский район. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа. – Ташкент, 1912. – 117 с.

⁴ Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX века. Исследование и описание документов с историческим введением. – Ленинград, 1940. – 289 с.; Рубинштейн Ф.И. Несколько хивинских актов. Материалы к истории Хивы полукOLONиального периода // Известия АН Уз ССР. – Ташкент, 1951. – С. 69–74; Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ер эғалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1959. – 362 б.; Кошчанов А. Из истории аграрных отношений в хивинском ханстве в конце XIX-начале XX вв. Диссертация канд. ист. наук. – Ташкент, 1966; Брегель Ю.Э. Архив хивинских ханов (предварительный обзор новых документов) // Народы Азии и Африки. – М., 1966. – № 2. – С. 67–76; Шайхова А. Документы об аренде вакуфных земель в Хивинском ханстве XIX – начала XX века // Краткие сообщения ИВ АН СССР. – № 1. 1982. – С. 48–51.

⁵ Жалилов О. Хазинамиздаги Хева вақф ҳужжатлари // Шарқшунослик. – № 4. 1993. – Б. 62–71; Джабарова У.И. Вақфные грамоты как источник по изучению аграрных отношений Хивинского ханства XVII – начала XX в. // Материалы Международной научной студенческой конференции. Востоковедение. – Новосибирск, 2003. – С.14–15; Каримов Э.Э. Кубравийский вақф XVIII – XIX вв.: письменные источники по истории суфийского братства Кубравийа в Средней Азии. – Ташкент: Фан, 2008. – 279 с.; Абдурасулов У. Вақфная грамота 1778 года как источник изучению аграрных отношений в Хивинском ханстве // История Узбекистана. – Тошкент, 2004. – №2. – С. 49–56; Халиёров А. Хива хонлигида пул вақфининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларига доир // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2014. – №4. – Б. 12–23.

⁶ Каталог хивинских казийских документов XIX – начало XX вв.: Составители: А.Урунбаев, Т.Хорикава, Т.Файзиёв, Г.Джураева, К.Исогай. – Ташкент-Киото, 2001. – 694 с.; Каталог среднеазиатских жалованных грамот. Из фонда Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан. Составители: А.Урунбаев, Г.Джураева, С.Гуломов. *Orientalwissenschaftliche Hefte*. – Halle, 2007. – 114 с.; Welsford T., Tashev N. A Catalogue of Arabic-Script Documents from the Samarqand Museum. With the assistance of M.Ismoilov and H.Aminov. – Samarqand, 2012. – 687 p.

⁷ Schwarz F. Bargeldstiftungen im Chanat von Chiva, 1840-1922 // *Der Islam*, No. 80 (2003). – Berlin-New York. – P. 79–93; Szuppe M. Dispositions pédagogiques et cursus scolaire à Khiva: Un *waqf-nāma* de fondation de *madrassa*, 1214/1799-1800 / Écrit et culture en Asie centrale et dans le monde turco-iranien, X^e-XIX^e siècles. – Paris: Peeters, 2009. – P. 251–284; Sartori P. On Madrasas, Legitimation, and Islamic Revival in 19th-Century Khorezm. Some Preliminary Observations // *Eurasian Studies*. Vol. 14 (2016). – P. 98–134.

бошларида Бухоро ва Хива хонликлари тарихи» мавзусидаги фундаментал лойиҳа ҳамда ИФА-2012-1-13: «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси (4-жилд)» ва ИФА-2012-1-3: «Ўзбекистон тарихи (1860-1917 йиллар)» инновацион лойиҳалари билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади Хива хонлигида вақф институти тарихи ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини тарихий-манбашунослик таҳлили асосида ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий ва маҳаллий тарихшуносликда Ўрта Осиё, хусусан, Хива хонлигидаги вақф мулкчилиги масалаларини ўрганиш бўйича асосий илмий натижаларни аниқлаш;

Ислом дини Ҳанафия мазҳабида вақф масаласининг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

республика ва хориждаги қўлёзма фондлар, архивларда сақланаётган Хива хонлигида вақф институти фаолиятини ёритувчи тарихий ҳужжатларни тўплаш, тизимлаштириш, таснифлаш ва манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

вақф мулкларининг турлари, таъсис этиш тартиблари ва таъсисчиларнинг ижтимоий таркибини ўрганиш;

вақф маъмуриятининг вазифалари ва унинг фаолияти билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш;

вақф ерлари ва вақфга айланган бошқа турдаги мулк турларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда амалиётини очиқ бериш;

вақф даромадларидан фойдаланиш тартиби ва улар тақсимотини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Хива хонлигида вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили) белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Хива хонлигида вақф таъсис этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва амалиёти, вақф мулкларининг турлари, улардан фойдаланиш тартиблари, вақф маъмурияти фаолияти, вақф даромадлари тақсимотини ёритиш белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот иши қиёсий таҳлил (*comparative analysis*), статистик таҳлил (*statistical analysis*), миқдорий таҳлил (*quantitative analysis*) ва мазмуний таҳлил (*content analysis*) каби усулларга асосланади. Жумладан, қиёсий таҳлил усулидан вақф институтининг назарий-ҳуқуқий асосларини ёритишда Ўрта Осиёда ҳукмрон мавқеда бўлган Ҳанафия мазҳаби қатори суннийликдаги қолган уч фикҳий мактабнинг муайян масалалардаги ўзига хос ва фарқли жиҳатларини аниқлашда, статистик, миқдорий ва мазмуний таҳлил усулларидан эса вақфга оид тарихий ҳужжатлар маълумотларини умумлаштириш, улар асосида тегишли масалалар бўйича илмий хулосалар ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига мансуб вақфномаларнинг ички ва ташқи белгилари, хусусан, матн тили, ҳужжат

тузилиши ва кодикологик хусусиятлари ҳамда улардаги айрим ўзгаришлар аниқланган;

Хива хонлигида вақф маъмуриятининг функциялари, фаолият механизми, вақф объекти ва субъекти, вақф мулкларининг турлари, вақф мулклари даромадларининг тақсимоти ёритиб берилган;

мутаваллининг вақф маъмурияти вакиллари ва ижарачилар билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг ҳуқуқий асослари ҳамда амалиёти очиб берилган;

Хива хонлиги ҳудудида вақф мулкларидан фойдаланишда ижара тартиби устувор ўрин эгаллаганлиги, шунингдек, вақф ерларининг узоқ муддатли ижара (*ижара-йи тавила*) амалиёти ҳам мавжуд бўлганлиги аниқланган ҳамда уларнинг фаолият механизми ёритиб берилган;

XIX асрнинг сўнги чорагига келиб хонликда товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида пул вақф этилувчи асосий объектга айланди ҳамда ундан *байъ-и жойиз* йўли билан даромад олиш тартиби амалда бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот иши давомида Хива вақф мулкчилиги тарихига оид вақфномалар (1000 га яқин), ер ижараси (*хатт-и ижара*) билан боғлиқ ҳужжатлар (32 та), мулкни гаровга қўйиш йўли билан сотиш ҳақидаги (*байъ-и жойиз*) ҳужжатлар (200 га яқин), вақф масаласига оид аризалар (*махзар, хатт-и даъво*) (80 га яқин), олди-сотди (*байъ-и бот*) ҳужжатлари (44 та), Хива хонлигидаги вақф мулки даромадлари ҳисобидан таъминланган 200 дан ортиқ диний ва маърифий муассасалар (мадраса, масжид, қорихона, мақсурахона, мақбара, мазор кабилар) ихтиёридаги мулклар ва улар тақсимоти ҳақида маълумот берувчи вақф дафтарлари аниқланиб, илмий истеъмолга киритилди.

Шунингдек, Хива хонлиги сарой тарихчиларининг асарлари, хонликнинг сўнги давр тарихини ёритувчи қўлёзма манбалар тадқиқ этилиб, уларда келган вақф мулкчилиги тарихига оид маълумотлар таҳлил қилинди ҳамда илмий муомалага киритилди.

Вақфга оид тарихий ҳужжатларга асосланган ҳолда Хива хонлигида вақф институтининг тарихи, ўзига хос хусусиятлари ва фаолият механизмини очиб бериш билан бир қаторда, тарихий топонимика, нумизматика ва сфрагистикага оид маълумотлар базаси шаклланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертациянинг замонавий тарих фанида қўлланилаётган самарали тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, тадқиқот олдида қўйилган масалалар республика ва хорижий давлатлар қўлёзма ва архив фондларида сақланаётган 1500 га яқин вақфномалар ва вақфга оид бошқа қозилик ҳужжатлари ҳамда қўлёзма асарлар каби бирламчи манбаларга таянган ҳолда ёритилганлиги, шу асосда тегишли хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва уларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижалари Ўрта Осиёда вақф институтининг фаолиятини, вақфнинг

назарий-ҳуқуқий асосларини, вақф ҳисобидан таъминланган диний ва ижтимоий муассасалардаги хўжалик бошқарувини ўрганиш, муайян минтақанинг вақф масаласида ўзига хос ва фарқли томонларини аниқлаш, мулкчилик тизимида вақфнинг ўрни ҳамда вақф мулкларидан фойдаланиш механизминини ёритишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўзбек халқининг тарихий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва келгуси авлодларга етказишга қаратилган давлат дастурларини бажаришга, миллий ва умуминсоний кадриятларни сақлаш, тарғиб этишга бағишланган лойиҳаларни ишлаб чиқишга ҳамда олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги ўқув муассасаларида тарихий манбашунослик бўйича мустақил курслар ташкил этишга, исломшунослик йўналиши бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Хива хонлигида вақф институти мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Хива хонлигидаги вақф мулкларининг турлари, хронологияси, воқиғалар шахси, вақф даромадларидан фойдаланган муассасалар рўйхатини акс эттирувчи маълумотлар базаси шакллантирилиб, унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг «Вақф ёрлиқлари коллекцияси» номли И–323-фондининг рўйхатини тузишда фойдаланилган («Ўзархив» агентлигининг 2018 йил 23 мартдаги 01-26/216-сон маълумотномаси). Ушбу рўйхат мазкур фондда сақланаётган тарихий ҳужжатларни хронология, мазмун ҳамда ҳужжат турлари бўйича тизимлаштириш асосида илмий изланишлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган ҳамда метрология, нумизматика ва сфрагистикага оид тарихий маълумотларни аниқлаштириш имконини яратган;

вақфга оид тарихий ҳужжатлар табдили ҳамда инглиз тилидаги таржималардан ўрин олган маълумотлардан Германиянинг Мартин Лютер университети ҳузуридаги Шарқшунослик институти ва ўзбекистонлик олимларнинг ҳамкорликдаги “The Archives Talk. Social History of Central Asia” мавзусидаги халқаро лойиҳа доирасида фойдаланилган (Мартин Лютер университети ҳузуридаги Шарқшунослик институтининг 2018 йил 23 мартдаги маълумотномаси). Ушбу ноёб тарихий ҳужжатларнинг инглиз тилига таржима қилиниши ва уларнинг электрон (*digital*) нусхаларининг яратилиши хорижий тадқиқотчилар учун Хива хонлигининг ижтимоий тарихини ўрганиш учун катта имконият яратган;

Хива хонлигидаги масжид, мадрасаларнинг вақф мулклари, уларнинг даромадлари, вақф муассасаси ходимлари ҳақида шунингдек, сарой мансаблари ва амалдорлари, бекликлар сони ва улар ихтиёридаги ерлар ҳақидаги маълумотлар ва тегишли шарҳлар тўғрисидаги маълумотлардан ИФА-2012-1-13 рақамли инновацион лойиҳаси доирасида тайёрланиб, чоп этилган «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси (4-жилд)»ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 5 апрелдаги 3/1255-853-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари

маърифий-маданий, жамоат муассасаларини қўллаб-қувватлаш бўйича аждодлар тажрибаси ҳамда тарихий анъаналарини ўрганиш, амалиётга татбиқ этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 13 та илмий конференцияларда, шулардан 5 та халқаро конференция «Preliminary analysis of waqf documents from Khorezm (In the second half of 19th and the beginning of 20th centuries)» («Towards a New Social History of 19th- and early 20th-Century Central Asia», Вена, Австрия, 2012), «Waqf documents from Khiva: social behavior of individuals within a mosque community» (Тошкент, Ўзбекистон, 2013), «Waqf documents from late 19th and early 20th century Khiva: What do they tell us?» (Остона, Қозоғистон, 2013), «Waqf Administration in Khiva Khanate: Legal and Social Perspectives (In the late of 19th and the beginning of 20th centuries)» (Берлин, Германия, 2014), «Waqf Administration in Khorezm: Transmission of the Post of *Mutawallī* from *Imam* to *Elder*» (Бишкек, Қирғизистон, 2017) ва 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялардан апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Докторлик диссертацияси мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети ҳамда усуллари белгиланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ва диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқот илмий янгилиги натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, ишнинг амалий натижалари, амалда жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср тарихшунослигида вақф мулкчилиги масалалари**» деб номланган биринчи боби дедуктив тамойил асосида муаммонинг жаҳон ва Ўзбекистон тарихшунослигида ўрганилиш ҳолати, Ўрта Осиё ва Хива хонлигига оид мавзу юзасидан яратилган тадқиқотлар таҳлилига бағишланди.

Мусулмон давлатларида вақф институтининг жамият ҳаётининг барча жабҳаларига таъсири жуда катта эканлиги боис, мазкур муаммо тарихи

жаҳон тарихшунослигининг диққат эътиборидаги мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда муайян тарихий ҳудуд мисолида вақф масаласининг турли жиҳатлари, хусусан, ислом ҳуқуқшунослигида вақфнинг назарий-ҳуқуқий асослари, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги роли, вақф маъмуриятининг фаолият тартиби, вақф мулкчилигида пул вақфи ҳамда ундан фойдаланиш тартиби, аҳлий вақф ва унинг ўзига хос жиҳатлари, вақф муносабатларида аёлларнинг тутган ўрни каби масалалар тадқиқ этилган⁸.

Ҳозирга қадар XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Хива хонлиги вақф мулкчилиги тарихига бағишланган қатор тадқиқотлар яратилган бўлиб, уларни даврий жиҳатдан: 1) Россия мустамлакачилиги даврига оид адабиётлар; 2) совет даврига мансуб асарлар; 3) мустақиллик йилларида яратилган илмий тадқиқотлар ҳамда 4) хорижий тадқиқотчилар томонидан яратилган асарлар тарзида гуруҳлаш мумкин.

Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олинган, мазкур ҳудудда мустамлакачилик талабларига мос келувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда янги тартибларни ўрнатиш зарурияти туғилди. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори К.П. Кауфман ерга эгалик қилишнинг янги тизимини жорий қилишдан аввал шариат қонун-қоидаларига асосланган ер билан боғлиқ анъанавий муносабатларни ўрганиш мақсадида ўлкага шарқшунос мутахассисларни таклиф этди⁹. Натижада ер муносабатлари, хусусан, Ўрта Осиё вақф масалаларига бағишланган илк тадқиқотлар пайдо бўлди¹⁰. Шунингдек, бу даврда Хива хонлиги ҳудудида амалга оширилган ҳарбий статистик тадқиқотлар жараёнида мамлакатдаги вақф мулкчилиги ҳақида ҳам маълумотлар тўпланди ва нашр этилди. Ушбу асарларнинг муҳим хусусияти улардан бир пайтнинг ўзида ҳам тарихшунослик объекти, ҳам манба сифатида фойдаланиш мумкинлигидир.

Совет даврида Ўрта Осиё вақфи масаласига бағишланган тадқиқотларнинг характерли жиҳати вақфномаларнинг асосан манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилганлиги ҳамда жамиятда кечган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни вақф мулкчилиги орқали ёритишда намоён бўлди¹¹. Бироқ бу даврда Хива хонлиги мисолида муаммонинг манбашунослик таҳлилига деярли эътибор қаратилмади ҳамда мавзу тарихшунослиги ерга эгалик қилиш ва аграр муносабатлар тизими, ижара ва унинг ҳудуддаги амалиёти доирасида тадқиқ этилди.

Мустақиллик йилларида Ўрта Осиё ва Хива хонлиги вақф институти тарихининг турли томонлари акс этган монография, диссертация ва қатор

⁸ Hennigan P. C. The birth of a legal institution: the formation of the waqf in the third century A.H. Hanafi legal discourse. – Boston, M.A: Brill, 2003. – 317 p.; Cizakca M. Cash waqfs of Bursa, 1555-1823 // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. 38, No. 3 (1995). – P. 313-354; Layish A. The family waqf and the shar‘ī law of succession in modern times // Islamic Law and Society. No. 4 (1997). – P. 352-388; Baer G. Woman and waqf: an analysis of the Istanbul *Tahrir* of 1546 // Asian and African Studies. (Haifa, Israel: Haifa University Press, 1984). – P. 9-27.

⁹ Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане. – Ташкент, 1963. – С. 5.

¹⁰ Кун А.Л. Вакуфы // Туркестанские ведомости. 1872. № 21; Ростиславов М.Н. Несколько слов о важности вакуфных документов в историческом отношении // Туркестанские ведомости. 1873. № 42, 49, 50.

¹¹ Чехович О.Д. Самаркандские документы XV-XVI вв. – Москва, 1974. – 461 с.; Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вақф-наме». – Ташкент, 1966. – 354 с.

мақолалар эълон қилинди¹². Бу даврда бирламчи манбалар тадқиқига эътибор ва эҳтиёж кучайиши муносабати билан турли тарихий ҳужжатларни каталоглаштириш ва нашр этиш ўзига хос анъанага айланди. Ушбу каталогларда турли мазмундаги Ўрта Осиё, шу жумладан, Хива хонлиги қозилик ҳужжатлари, хусусан, вақфномалар тавсифи ҳам келтирилди.

Минтақа ва хонлик вақф мулкчилиги тарихи хорижий мутахассисларда сўнги йилларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг тадқиқотларида вақф ҳужжатларига нафақат диний муносабатлар тизимини ёритувчи, балки ўрганилаётган давр ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларини акс эттирувчи қимматли манба сифатида эътибор қаратилди¹³.

Тадқиқот ишининг «**Муаммонинг назарий ва манбавий асослари**» деб номланган иккинчи бобидан Ислом оламида вақф институтининг шаклланиш тарихи, унинг илк назарий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши, Хива хонлиги вақф мулкчилиги тарихига оид вақф ҳужжатлари ва қўлёзма асарларнинг манбашунослик таҳлили ўрин олган.

Маълумки, вақф мулкчилигининг шаклланиш жараёни Ислом динининг пайдо бўлиши ва тараққиётининг илк даври билан боғлиқ ҳолда кечди. Ислом дини манбалари – Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф таҳлили шуни кўрсатадики, дастлаб вақф садақа фаолияти асосида шаклланди. Мазкур манбаларда «*вақф*» сўзи ва у англаган маъно ўрнида *садақа*, *садақаи жория*, *хайр-эҳсон* қабилар ишлатилган бўлиб, «*вақф*» атама тарзида кейинги даврларда шаклланди ва кенг қўллана бошлади.

Вақф мулкчилиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши дастлаб халифа Умар (р.а.) фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у Хайбар водийсида жойлашган мулкларини пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) маслаҳати билан вақфга айлантирди¹⁴. Бу жараёнда биринчи марта вақф мулкининг ҳуқуқий ҳолати ва муайян шартлари белгиланди. Вақф мулкларини ҳужжатда қайд этиб, ёзма ҳолда расмийлаштириш анъанаси ҳам илк бор айнан халифа Умар томонидан амалга оширилган¹⁵.

Ўрганилаётган давр вақф мулкчилиги тарихини тадқиқ этишда бирламчи манбалардан ҳисобланган тарихий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади. Вақф ҳужжатларини мазмуни ва функцияларига кўра шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) қозилик ҳужжатлари (*вақфномалар*, вақф мулклари бўйича тузилган *ижара*, *байъи жойиз* ҳамда *фатво* ҳужжатлари); 2) вақф аризалари; 3) вақф регистрлари.

Тадқиқот давомида Хива вақф мулкчилиги тарихига оид ЎзР ФА Шарқшунослик институти ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи,

¹² Жўраева Ғ. Вақф нима? // Шарқшунослик, – № 2. 1991. – Б. 37-47; Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). – Тошкент: Фан, 2009. – 222 б.; Султонов Ў.А. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Тарих фанлари доктори ...диссертация. – Тошкент, 2016. – 295 б.

¹³ McChesney R.D. Waqf in Central Asia: Four Hundred Years in the History of a Muslim Shrine, 1480-1889. – Princeton, 1991. – 356 p.; Subtelny M.E. Timurids in Transition. Turko-Persian Politics and Acculturation in Medieval Iran. – Leiden-Boston: Brill, 2007. – 411 p.

¹⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. Савдо, зироат ва вақф китоби. 11-жуз. – Тошкент, 2005. – Б. 294–295.

¹⁵ Кифоя. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таржимаси. 3-жуз. – Тошкент, 2015. – Б. 329.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Хива шаҳрининг «Ичан-қалъа» тарихий-меъморий музей кўриқхонаси ва Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги Россия миллий кутубхонаси фондларида сақланувчи вақфномалар (1000 га яқин), ер ижараси (*хатт-и ижара*) билан боғлиқ ҳужжатлар (32 та), мулкни гаровга қўйиш йўли билан сотиш ҳақидаги (*байъ-и жойиз*) ҳужжатлар (200 га яқин), вақф масаласига оид аризалар (*махзар, хатт-и даъво*) (80 га яқин), олди-сотди (*байъ-и бот*) ҳужжатлари (44 та), Хива хонлигидаги вақф мулки даромадлари ҳисобидан таъминланган 200 дан ортиқ диний ва маърифий муассасалар (мадраса, масжид, қорихона, мақсураҳона, мақбара, мазорлар қабила) ихтиёридаги мулклар ва улар тақсимоти ҳақида маълумот берувчи вақф дафтарлари аниқланди.

Хива вақфномаларининг ташқи белгилари, матн тузилиши ва расмийлаштириш тартиби каби жиҳатлари унинг буюртмачисининг ижтимоий мавқеидан дарак беради. Хонлар, юқори мансаб эгалари, нуфузли уламолар ва йирик бойларга тегишли вақфномалар одатда жимжимадор нақшлар билан безатилиши, зарҳал ва турли рангдаги сиёҳлардан фойдаланилганлиги, қози муҳридан ташқари кўп ҳолларда ҳукмдор муҳрининг ҳам мавжудлиги билан ажралиб турган. Шунингдек, юқори табақа вакилларига мансуб вақфнома матни одатий вақфномалардан фарқ қилган.

Вақфномаларнинг шартли формуляри¹⁶ 3 қисм: протокол, асосий ва тасдиқлов қисмларидан ташкил топган. Ўз навбатида, *протокол* ҳам бир неча қисмлардан иборат бўлган. Жумладан, унинг *инвокация* қисми “Бисмиллоҳ” билан бошланган ва унда Оллоҳга ҳамду сано ҳамда пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг асҳобларига салавоглар айтилган. Шунингдек, *протокол преамбула*¹⁷ – вақф таъсис этишдан мақсад (баъзан Қуръони Каримдан оятлар, Ҳадисдан намуналар билан ифодаланган), *датум* – ҳужжат расмийлаштирилган сана ва *инскрипция* – вақф таъсис этувчининг шахси каби маълумотларни ўзида жамлаган.

XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб Хива вақфномаларини туркий (чиғатой) тилда тузила бошланди. Бунгача бўлган даврда мазкур турдаги ҳужжатлар асосан форс тилида тузилган. Ушбу масала илк бора Ю. Брегель томонидан махсус тадқиқ этилган бўлиб, унинг аниқлашича, жумади ал-аввал 1274/ декабрь 1857–январь 1858 йилгача бўлган даврда тузилган Хива ҳукукий ҳужжатлари форс тилида бўлган. Шу вақтдан бошлаб қозилик ҳужжатларини туркий тилда расмийлаштириш бошланган¹⁸. Ўз навбатида, мазкур ҳолат Хива вақфномалари ва вақфга оид бошқа қозилик ҳужжатлари мисолида ҳам намоён бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари Хива хонлиги вақф мулкчилиги тарихини ёритишда сарой муаррихлари Муҳаммадризо Огаҳийнинг «Жомеъу-л-воқеоти султоний», «Гулшани давлат» ва «Шоҳиду-

¹⁶ Шарафутдинов Д. Р. Методика формулярного анализа в прочтении исторических документов: дипломатическая переписка первой трети XIX века // Молодой ученый. – 2013. – №11. – С. 722.

¹⁷ *Преамбула* баъзан вақфнома матнининг протокол, айрим ҳолларда эса асосий қисми таркибида келган.

¹⁸ Тошев Н. О языке и некоторых терминах хивинских юридических актов. Исторические исследования о формировании и изменении мусульманских общин в Средней Азии. – Киото, 2006. – С. 108–109.

л-икбол» каби асарлари ҳамда Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Гулшани саодат» қўлёзмалари, шунингдек, Хива ўлкашунос тарихчиларидан бўлган Абдулла Болтаев асарлари бирламчи манба вазифасини ўтайди.

Сарой тарихчиларининг мазкур қўлёзма асарларининг ўзаро умумий жиҳатларидан бири шундаки, уларда ҳар бир Хива хонининг маданий соҳадаги фаолияти алоҳида акс этган. Хусусан, тарихий асарларда муайян хон ташаббуси ва ҳомийлиги остида бунёд этилган иншоотлар, жумладан, мадрасалар қурилиш тарихи ва уларнинг вақф хўжалиги фаолиятига эътибор қаратилган. Бу турдаги маълумотлар вақф ҳисобидан таъминланган муайян муассаса ва унинг вақф мулклари тарихини тадқиқ этишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Қўлёзма асарларда вақф маъмурияти нозири ҳисобланган мутаваллининг фаолияти, яъни сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳам алоҳида қайд этилган. Жумладан, Огаҳийнинг «Жомеъу-л-воқеоти султоний» асарида Муҳаммадаминхоннинг ҳарбий юришларидан бирида музокара олиб бориш учун юборилган гуруҳ таркибида Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги вақф ишлари учун масъул бўлган шахс ҳақида маълумот учрайди. Тарихдан маълумки, етук дин пешволари элчилик муносабатлари ва музокара маросимларида *медиатор*, яъни воситачи вазифасини бажарганлар. Бу турдаги маълумотлар муайян вақф хўжалиги фаолият тарихи бўйича тадқиқотлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳасанмурод Лаффасийнинг «Хива осори-атиқа тарихлари» номи остида рўйхатга олинган асарида, Абдулла Болтаевнинг «Хоразм тарихига материаллар» ва «Хива эсдаликлари» қўлёзма асарларида Хива мадраса ва масжидлари, улар рўйхати ва умумий сони, қурилиш тарихи, вақф мулклари ва даромадлари, вақф муассасаси ходимлари сони ҳақида маълумотлар келтирилган¹⁹.

Диссертациянинг «**Хива хонлигида вақф мулкларининг таъсис этиш тартиблари, вақф маъмурияти фаолияти**» деб номланган учинчи бобида вақф мулкларини таъсис этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва ҳудуддаги амалиёти, вақф таъсисчиларининг ижтимоий таркиби ҳамда вақф маъмурияти бошқарувида мутаваллининг роли, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тадқиқ этилган.

Ислом ҳуқуқшунослигида вақф объекти бўлган мулк учун ҳам алоҳида меъёрий талаблар белгиланган. Мазкур ҳуқуқий тартиблар вақф мулки турларини белгилаш билан бирга, мулкнинг вақф сифатида таъсис этилишидан аввалги ва кейинги ҳолати ҳамда вақф қилувчи шахс – *воқиф* ва мулк ўртасидаги ўзаро муносабатлар каби комплекс масалаларни тартибга солади. Ўрта Осиёда ҳукмрон мавқеда бўлган Ҳанафия мазҳаби бўйича одатда фақат

¹⁹ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 12583. – В. 106–176; ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9320. – В. 43а–44а; ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 11645. – В. 7а–12б.

кўчмас мулкларни вақф сифатида таъсис этиш мумкин²⁰. Баъзи ҳолларда уламолар томонидан кўчар мулклар вақфига ҳам рухсат берилган.

Хива хонлигида одатда зироат ва боғдорчилик ерлари, пуллар, савдо ва ҳунармандчилик объектлари, турар-жой ва маиший иншоотлар (хаммом, сарой) вақф сифатида таъсис этилган. Шунингдек, юқорида қайд этилган кўчар мулклар вақфи билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрга мос равишда минтақада нафақат дўконларнинг ўзи, балки уларга тегишли асбоб-ускуналарни ҳам биргаликда вақф қилиш анъанаси учраб турган²¹. Ана шундай ҳолатни XV асрда Хўжа Аҳрор томонидан таъсис этилган вақф мулклари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, вақфномада бошқа мулклар қаторида деҳқончилик асбоблари, ҳўкиз ва ҳатто қуллар ҳам вақф қилингани қайд этилан²². Хива хонлигида ҳам ушбу амалиётдан кенг фойдаланилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, манбаларнинг кўрсатишича хонликда китоблар, диний ва жамоат муассасалари кундалик фаолиятида фойдаланиладиган буюм ва ашёлар ҳам вақф этилган²³.

Мулк вақфга айлангач абадий, узил-кесил (*luzūm*) ва дахлсизлик мақомини олади. Шунингдек, вақф мулки муайян чекловларсиз таъсис этилиши лозим бўлиб, акс ҳолда вақф ноқонуний кўриниш олади ва тўғри (саҳих) тузилган ҳисобланмайди²⁴.

Шариат воқифнинг мулкни вақфга айлантириш вақтидаги ҳуқуқий ҳолатини ҳам белгилаб берган. Вақф қилаётган шахс аввало муомала лаёқатига эга бўлиши керак. Яъни воқиф вояга етган, молиявий масалаларни мустақил ҳал қила оладиган (*rashīd*) бўлиши лозим. Шунингдек, озод шахслар ҳамда қарздор мақомида бўлмаган кишилар мулкларини вақф қилиш ҳуқуқига эга²⁵.

Вақфномалар таҳлили асосида воқифларнинг касб-кори, жинси ва ижтимоий келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларни аниқлаш мумкин. Хусусан, ўрганилаётган даврда хонликда аҳолининг деярли барча қатлам вакиллари имкон қадар хайр-эҳсон фаолиятида иштирок этганлар.

Хива хонлигида ҳам аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштироқи ва роли юқори бўлганини алоҳида зикр этиш ўринлидир. Бу ҳолат уларнинг вақф мулкчилиги тизимидаги салмоқли иштироқи, хайр-эҳсон фаолиятидаги юқори ҳиссасида ҳам акс этади. Хива вақфномалари аёлларнинг вақф мулкчилиги муносабатларида турли позицияларда иштирок этганликларидан далолат беради. Аёллар нафақат воқифа, балки мутавалли ва ҳатто вақф ерлари ижарачилари сифатида ҳам фаолият юритганлар.

²⁰ Layish A. *Waqfs of Awlād al-Nās in Aleppo in the Late Mamlūk Period as Reflected in a Family Archive* // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. 51, No. 2 (2008). – P. 300.

²¹ ЎзР ФА Шарқшунослик институти, папка № 3 (4).

²² Чехович Д. Собрание восточных актов в Узбекистане // Бюллетень Академии Наук УзССР. – Ташкент, 1947, – № 4. – С. 27.

²³ Аминов Х. Хоразмда китоб тарихи манбалари (XVIII аср иккинчи ярми – XX аср бошлари: ЎзР ФА ШИ кўлэмалар фонди асосида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2009. – Б. 87; ЎзР МДА, И–323-фонд, 1-рўйхат, 912- йиғмажилд.

²⁴ Zubair A.M. *The Classical Islamic Law of Waqf*... – P. 130.

²⁵ Oberauer N. “Fantastic Charities”: The Transformation of Waqf Practice in Colonial Zanzibar // Islamic Law and Society. Vol. 15, No. 3 (2008). – P. 358.

Вақф маъмурияти таркиби ва функциялари ҳам аниқ белгиланган. Вақф таъсис этиш жараёнида вақф мулки билан боғлиқ ўрнатилган шарт-шароит ва талабларни амалга ошириш вазифаси вақф ишлари бошқаруви учун масъул шахс – *мутавалли* зиммасига юкланган.

Мутавалли лавозимига тайинланадиган шахс кўп ҳолларда вақф мулки инъом этилган муассаса фаолият тури ва функциясидан келиб чиққан. Хива хонлигида одатда мадраса мударриси, масжид имоми ёки оқсоқоли (баъзан муаззин ҳам), қорихона ва мақбара бош қориси ўз муассасалари мутаваллиси сифатида фаолият кўрсатган. Шунингдек, хонлар томонидан йирик амалдорлар ҳам мутаваллиликка лойиқ кўрилган. Масалан, Хива хони Саййид Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) Боғча мавзеида жойлашган мадрасасига дастлаб Ҳасанмуродбек қўшбегини ва кейинчалик бош вазир Саййид Ислохўжани мутавалли қилади²⁶.

Ҳанафия мактаби уламолари, хусусан, Абу Юсуф воқифнинг мутавалли сифатида тайинланиши мумкинлигини эътироф этган. Бироқ, Моликия мазхабида воқифнинг мутавалли ва вақф даромадларидан фойдаланувчи шахс сифатида белгиланиши ноқонуний ҳисобланади. Хива хонлигида воқифнинг ўзини ҳам мутавалли ва ҳам вақф бенефициари этиб белгилаш ҳолатлари тез-тез учраб турган. Жумладан, 1871 йилда Матниёз девонбеги Хива шаҳрининг Ичан-қалъа қисмида мадраса бунёд этган ва бир неча йирик мулклар вақф қилган. Матниёз девонбеги биродари Бекниёз маҳрам билан биргаликда мутавалли сифатида мазкур вақф мулклари устидан назоратни сақлаб қолган²⁷.

Воқиф аксарият ҳолларда вақф мулклари доимий бошқарувини таъминлашга интиланган. Шу боис, мутавалли лавозимининг меросий тарзда ўтиш тартиби ҳам аксарият вақфномаларда алоҳида белгиланган. Юқорида қайд қилинганидек, мадраса мударриси бўлган шахс бир вақтнинг ўзида мутаваллилик ҳуқуқини ҳам кўлга киритган ҳамда мазкур лавозим муайян шахс номи билан эмас, балки мансаб бўйича амал қилган. Айрим ҳолларда воқиф ўзининг эркак авлодларига мутаваллиликни мерос сифатида топширган. Шунингдек, маҳалла масжидларида мутавалли тайинлаш вазифаси воқиф хоҳишига кўра мазкур қавм ихтиёрига берилиши ҳолати ҳам учраб турган²⁸.

Мутавалли лавозими ўзида бир неча функцияларни жамлаган бўлиб, улар воқиф ўрнатган шартлар ва шариат томонидан белгиланган ҳуқуқий меъёрлар доирасида амал қилган. Мазкур функцияларни шартли равишда 4 турга бўлиш мумкин: 1) вақф мулки ҳолати ва бошқаруви билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш; 2) вақф мулки (даромадлари) йўналтирилган объект (мадраса, масжид, қорихона, мақбара кабилар) биносининг таъминотини лозим даражада сақлаш; 3) вақф ижарасидан келган даромадларнинг умумий ҳисобини олиб бориш ва тақсимлаш; 4) вақф

²⁶ Хива давлат «Ичан-қалъа» тарихий-меъморий музей кўрикхонаси, ГХМЗ КП 1305.

²⁷ Хива давлат «Ичан-қалъа» тарихий-меъморий музей кўрикхонаси, ГХМЗ КП 1356.

²⁸ ЎзР МДА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 814- йиғмажилд.

ҳисобидан таъминланувчи диний ва ижтимоий муассасалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш.

Тадқиқот ишининг «**Вақф мулкларидан фойдаланиш асослари ва вақф даромадлари тақсимоти**» деб номланган тўртинчи бобида вақф муносабатлари тизимида ер мулки, пул вақфи ва бошқа турдаги мулклардан фойдаланиш масалалари, шунингдек, вақф ҳисобидан таъминланган муассасалар фаолияти ва вақф маъмурияти ходимлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ёритилган.

Хива хонлигида анъанавий иқтисодиёт асосини қишлоқ хўжалиги, хусусан, суғорма деҳқончилик ташкил этгани ҳолда, мамлакат умумий ер фонди таркибида вақф ерларининг улуши анча салмоқли бўлган.

Ислом ҳуқуқшунослигида зироат ерларидан фойдаланишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари фақиҳлар эътиборини алоҳида жалб этган масалалардан ҳисобланади. Ҳанафий мазҳабида экиладиган ерлардан асосан *ижара* ва *музораъа* тартибида фойдаланиш амалда бўлган. Бундан ташқари, ерга кўчат ўтказиш ва уни суғориш билан боғлиқ боғдорчилик ишлари *ал-муъомала* ёки *ал-мусоқот* номли махсус ҳуқуқий атамалар орқали ифода этилган²⁹.

Ижара ибораси фикҳшуносликда анча кенг маънода қўлланилади. Жумладан, ижаранинг юзага келиш тарихига назар ташланадиган бўлса, у аввал амалда бўлган 3 та ҳуқуқий амалиёт – *kirā'* (муайян мулкни ижарага олиш), *ijāra* (ишчини маош билан таъминлаган ҳолда ёллаш) ва *ju'l* (хизматни ёллаш) негизида ҳижрий I аср (милодий VI – VII асрлар) давомида шаклланган³⁰. Демак, ҳақ эвазига меҳнат қилиш, хизмат кўрсатиш ва мулкдан фойдаланиш каби фаолият турлари мазкур ҳуқуқий ибора орқали юритилади.

Кўп сонли Хива вақф ҳужжатларида айни ижара тартиби ва шартига хос ҳолатни кузатиш мумкин. Бу эса хонликдаги экиладиган вақф ерлари асосан ижара шартномалари орқали даромад келтиргани ва мазкур амалиёт тури кенг амалда бўлганига ишора қилади.

Вақф ижараси билан боғлиқ Хива ҳужжатларида ердан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ – *ijāra haqqi*, *waqfāna*, *hiṣṣat al-waqf*, *hiṣṣat al-arḍ* каби иборалар билан юритилган. Мазкур турдаги ҳужжатларда ижара ҳақи асосан *ғалла*, яъни донли экинлар ҳисобида белгиланган ва аксарият ҳолларда улар ўзаро тенг миқдордаги *буғдой* ҳамда *жўхоридан* иборат бўлган. Бошқача айтганда, ижара ҳақи сифатида келишилган ғалланинг ярми буғдой ва ярми жўхори (*niṣfi bughdāy wa niṣfi jūkarī*) тарзида ундирилган. Шунингдек, вақфномаларда ижара ҳақи баъзан фақатгина буғдой ёки жўхори ҳолида, гоҳида эса уларнинг турли нисбати тарзида ҳам қайд қилинган. Бундан ташқари, вақфга айланган деҳқончилик учун яроқли ерларни муайян пул қийматида ижарага бериш ҳам амалда бўлган. Ижара ҳақи пул кўринишида белгиланганда унинг миқдори ҳам одатда экиладиган ер майдони ҳажмидан, яъни таноб ўлчов бирлиги ҳисобидан аниқланган. Хива вақф ҳужжатлари

²⁹ Baber J. The Islamic Law on Land Tax and Rent: The Peasants' Loss of Property Rights as Interpreted in the Hanafite Legal Literature of the Mamluk and Ottoman Periods. – London–New York–Sydney: Croom Helm, 1988. – P. 51.

³⁰ Baber J. The Islamic Law on Land Tax and Rent... – P. 25.

тахлилига кўра, хонликда вақф еридан *музораъа*³¹ шартномаси асосида фойдаланиш ҳам мавжуд бўлиб, у амалда кам учраганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Хива вақфномаларида ерни ижара ва музораъа асосида ишловчи шахс сифатида одатда *коранда* тилга олинади. Ўрта Осиё ер муносабатлари тизимида мазкур ибора ёлланма меҳнат асосида ерга ишлов берувчи ҳамда етиштириладиган ҳосилнинг муайян қисмига эгалик қилувчи шахсга нисбатан қўлланилган³².

Хива вақф ерлари ижараси билан боғлиқ ҳужжатлар таҳлилига кўра, хонликда уч йиллик ижара келишувлари билан бирга, узоқ муддатли ижара (*ijāra-i ṭawīla*) шартномалари ҳам амалда бўлиб келди. Масалан, XX аср бошларида, Хива хони Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврида тузилган вақф муассасалари рўйхатида Арабхон мадрасаси вақф ерлари бўйича белгиланган ижара ҳақи корандалар ва мутавалли ўртасида 70 йил давомида амалда эканлиги алоҳида қайд қилинади³³.

Хива хонлигида вақф ерини узоқ муддатли ижарага бериш амалиётини ўзига хос анъана сифатида баҳолаб бўлмайди. Аҳамиятли жиҳати, бошқа мусулмон мамлакатлари вақф мулкчилиги тарихида ҳам мазкур ижара туридан кенг фойдаланилган. Жумладан, узоқ муддатли ижара турли давлатларда, хусусан, Тунисда – *inzal* ва *naṣba*, Туркияда – *muqāta‘a* ҳамда Марокашда – *jalsa* каби ҳуқуқий иборалар билан юритилган³⁴. Шунингдек, Мисрда бу ижара шакли – *ḥikr* деб аталиб, у ҳақидаги илк маълумотлар 1183-1184 йилларга оид тарихий ҳужжатларда учрайди³⁵.

